

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ИЧКИ НАЗОРАТИ РЕЖАСИ ВА ИЖРОСИ

Махмудов Юсуф Фаниевич¹, Эшқораев Абдимурод Хайитович²

¹Жиззах давлат педагогика университети профессори, Жиззах ш.
Ўзбекистон. ²Термиз техника-технология институтининг катта ўқитувчиси.
e-mail: mahmudov.yusup@mail.ru

Аннотация. Мақолада таълим муассасасининг ички назорати режаси ва ижроси қандай масалаларни ўз ичига олиши мумкинлиги баён қилинган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, назорат, вазият, хусусият, мақсад, жараён, метод, методика, фикрлаш, фаолият, ҳолат, билим, шакл, сифат, самара, талаб, мақсад.

Бошқариш фаолиятида муайян тизимнинг бўлиши муҳим бўлиб. Бу иш тасодифий, бир-бирига алоқаси бўлмаган тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлмасдан, балки шароитни, вазият хусусиятини ҳамда бутун жамият, шунингдек, унинг айрим бўғинлари олдида турган вазифалар хусусиятларини қатъий ҳисобга олиш негизида ишлаб чиқилган. Қатъий тартибга солинган, бир-бири билан узвий боғланган, чуқур ва пухта ўйлаб кўрилган режали тадбирлар йиғиндисидан иборат.

Таълим муассасасининг ички назорати бўйича ишланган режани бир чоракка, ярим йиллик ва бир ўқув йилига мўлжаллаб тузиш мумкин. Лекин режани бир ўқув йилига мўлжаллаб тузиш мақсадга мувофиқ.

Таълим муассасаси раҳбари томонидан амалга ошириладиган ички назоратнинг режаси қуйидаги масалаларни ўз ичига олиши мумкин:

1. Таълим муассасасининг барча кўрсаткичлари бўйича халқ хўжалик режасининг бажарилиши.

2. Ўқув-тарбиявий ишлар ҳолати.

3. Синфдан ва таълим муассасасидан ташқарида олиб бориладиган тарбиявий ишлар.

4. Таълим муассасасидаги жамоатчилик ҳамда оталиқ ташкилотлари ва таяч корхоналар билан олиб бориладиган ишлар.

5. Таълим муассасасида педагог ходимлар билан ишлаш (ўқитувчиларнинг сиёсий, илмий-услубий ва педагогик савияларини ошириш) масаласи.

6. Таълим муассасасида ҳужжатларни юритиш ҳолати.

7. Таълим муассасаси ўқувчи-ёшлар ташкилотининг ишлари.

8. Таълим муассасасининг молия-хўжалик ишлари.

9. Таълим муассаса, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги.

10. Синф раҳбарларининг ишлари ва бошқа масалалар.

Таъкидлаш жоизки, таълим муассасаси ички назоратининг шакл ва услублари турлича. Буни қай даражада, қандай қилиб амалга ошириш таълим

муассасаси раҳбарларининг илмий-услубий, сиёсий ва педагогик савияларига ҳамда мазкур масалага нисбатан кунт билан изланишларига боғлиқ.

Таълим муассасасининг ички назоратини ўрганиладиган масалага қараб асосан икки гуруҳга бўлиш мумкин: а) таълим муассасаси ишларини мавзуий назорат қилиш; б) таълим муассасаси ишларини комплекс фронтал назорат қилиш.

Мавзуий назорат қилиш қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб олиши мумкин:

1. Таълим муассасасида гуманитар фанлар бўйича давлат ўқув дастурининг бажарилиши аҳволи.

2. Фан асосларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини ўстириш.

3. Таълим муассасасида физика фани дарсларида таълимни тарбияга боғлаш тажрибасидан.

4. Она тили ва адабиёт фанларини ўқитишда ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ўстириш.

5. Тарих-география дарсларида амалий ишларнинг қўйилиш ҳолати.

6. Кимё-биология, физика фанларини ўқитишда ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш.

Бундан ташқари, ҳар хил мутахассисликдаги 2-3 нафар ўқитувчининг илғор тажрибаларини ўрганиш, синф раҳбари, тарих-география, она тили-адабиёт ўқитувчиларининг услуббирлашма ишларини ўрганиш ҳам мавзуий назоратга киради.

Таълим муассасаси ишларини мажмуа услубда назорат қилиш таълим – тарбия ва хўжалик ишларини кенг қамраб олган, тўлиқ педагогик маънодаги масалаларни ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Масалан:

1. Таълим муассасаси фаолиятида аниқ фанларнинг ўқитилиш ҳолати ва уларни янада яхшилаш чоралари.

2. Таълим муассасасида синфдан ва таълим муассасасидан ташқари ишларнинг амалга оширилиш ҳолати ва уларни янада такомиллаштириш йўллари.

3. Таълим муассасаси фаолиятида ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг ҳолати ва самарадорлиги.

4. Ўқувчиларнинг дарслик ва ўқув анжомлари билан таъминланганлик ҳолати ва уларни янада яхшилаш чоралари.

5. Таълим муассасасининг таълим-тарбиявий ишлари тизимида халқ педагогикасидан фойдаланишнинг аҳволи ва такомиллаштириш йўллари.

6. Таълим муассасасида ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўқитилиш ҳолати ва ўқувчиларнинг билим даражаси.

7. Таълим муассасаси фаолиятида умумий ўрта ва ўрта махсус таълимни ҳозирги давр талаблари асосида амалга оширишнинг аҳволи. Бундай масалаларни текшириш якунини таълим муассасаси педагоглар кенгашида муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ.

Таълим муассасаси ички назорати хилма-хил шакл ва услубларда олиб борилса, унинг асосий вазифалари ўқув режаси ва дастурининг бажарилиш сифатини, ўқитишнинг ғоявий-сиёсий даражасини, таълимнинг дарс жараёнида тарбия билан боғланишини, ўқитувчиларнинг дарсга ҳар томонлама пухта, илмий, услубий ва умумпедагогик жиҳатдан тайёрланиб келишлари, дарс беришда қандай самарали услубларни қўллаётганликларини, ўқувчиларнинг билимларни қанчалик чуқур ва пухта эгаллаганликларини аниқлаш.

Ички назорат тизимида имтиҳонлар даври таълим муассасаси ҳаётида масъулиятли давр бўлиб, имтиҳонларни ўтказишда ўқувчиларнинг билими, қўникма ва малакалари сифатида умумий баҳо бериш мумкин. Ўқувчиларнинг имтиҳон пайтидаги оғзаки ва ёзма жавобларини таҳлил қилишда уларнинг ҳар қайси ўқув фанининг энг муҳим қисмини қандай ўзлаштирганликларига, назарий курсда баён қилинган бўлимларга доир билимларни қай даражада эгаллаганликларига, жамият ва табиат ҳодисаларини назарий билимлар асосида изоҳлаб бера олишларига, мустақил фикр юритишларига, амалий топшириқларни ва лаборатория ишларини бажаришдаги маҳоратларига асосий эътибор бериш зарур.

Таълим муассасаси ички назоратининг яхши услубларидан ва тўғри маълумот олишнинг маъқул воситаларидан бири статистик таҳлил услуги. Таълим муассасаси фаолиятида жуда кўп статистик маълумотлар борки, улар асосида қуйидаги ишларни амалга ошириш мумкин:

- ҳар қайси синф ўқувчиларининг фанларни ўзлаштириш ва таълим муассасасида ўқувчилар контингентининг сақланиш динамикасини ўрганиш;

- параллел синфларда бир хил муддатда ўтказилган, қийинлиги бир хил бўлган ёзма-назорат ишлар якунини, ўқувчилар билимидаги камчиликларни, уларнинг хатоларини, бир неча йиллардаги ёзма имтиҳонлари якунларини бир-бирига таққослаб ўрганиш, таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш;

- таълим муассасаси ахборот – ресурс марказининг иши билан ўқувчиларнинг ўқув фанларига доир китобларни дарсдан ташқари вақтларда қанчалик ўқиб туришлари билан танишиш;

- таълим муассасасини тамомлаб кетган ўқувчиларнинг ҳозир қаерда ёки ўқиб турганини, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат фаолиятини ҳисобга олиш ва бошқалар. Бу борада таълим муассасаси раҳбарининг вазифаси статистик ҳисоблаш услубини яхши билиши, таълим муассасаси ҳаётидаги ҳодисаларни таҳлил қилишда ва умумлаштиришда шу услубдан моҳироналик билан фойдаланишлари.

Ички назорат тизимида ўқитишнинг аҳволини таҳлил қилиш ва ҳар қайси ўқув фанини ўқитиш методикасининг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш керакки, Республикамиздаги таълим муассасалари раҳбарлари ичида таълим муассасалари ишларини бошқариш, жумладан, ички назоратни амалга ошириш масаласига юзаки қараб келаётган раҳбарлар ва унинг ўринбосарлари озчиликни ташкил қилса-да, афсуски топилади.

Таълим муассасаси ички назоратини амалга оширишда қуйидаги камчиликлар кузатилмоқда:

1. Айрим таълим муассасаларида ички назорат масаласи бошқариш ақидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда, илмий асосда тузилган режага мувофиқ амалга оширилмаяпти.

2. Айрим таълим муассасаларида ички назоратни амалга оширишда таълим муассасалари раҳбарлари билан жамоатчилик ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик, ўқув йили бошидаги улар ўртасидаги иш тақсимооти мақсадга мувофиқ ҳолда эмас. Бунинг натижасида таълим муассасаси ичидаги назоратни амалга оширишда бир-бирини такрорлаш каби камчиликлар содир бўлмоқда. Ана шундай услубда амалга оширилаётган назоратнинг самарали натижаси кўринмаяпти.

3. Айрим таълим муассасаларидаги ички назорат тизимида давлат ва ҳукуматимизнинг халқ таълими тўғрисидаги қарорларининг ижроси, мазкур таълим муассасалари ўз қарорларининг ижроси каби муҳим масалалар ўз ўрнини топмай қоляпти. Натижада, бошқариш принципи бузилмоқда.

4. Таълим муассасаси ички назорат тизимидаги муҳим масалалардан яна бири фанлар бўйича ташкил этилган услуббирлашма аъзоларининг, таълим муассасаси ўқитувчиларининг ўзаро дарс кузатишлари масаласи. Бу муҳим масала республикамиздаги айрим таълим муассасаларида талаблар даражасида эмас. Масалан, биз кузатган айрим таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг бир ўқув йили давомида ўзаро кузатган дарсларининг умумий соати тўғри келмай. Ваҳоланки, ўқитувчилар ҳар куни камида 2 соатдан дарс кузатишлари лозим.

5. Биз ўқув-тарбиявий ишлари билан танишган айрим таълим муассасаларида қуйидаги муҳим масалалар ички назорат тизимида олинган эмас:

а) синфдан ва таълим муассасасидан ташқаридаги турли тарбиявий тадбирларнинг қўйилиш аҳволи ва унинг самарадорлиги;

б) таълим муассасаси ахборот - ресурс маркази ишининг қўйилиши;

в) ўқитувчиларнинг сиёсий, илмий-услубий ва педагогик жиҳатдан малакаларини ошириш ишининг таълим муассасасида қўйилиши ва унинг самарадорлиги;

г) таълим муассасаси молия-хўжалик ишларининг аҳволи (таълим муассасаси раҳбарининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосарларининг ана шу масала бўйича ҳисоботи);

д) ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ишининг сифат ва самарадорлигини оширишда фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари ва ота-оналарнинг ҳамкорликдаги иш натижалари;

е) ўқувчиларни иссиқ овқат билан таъминлашнинг аҳволи;

и) таълим муассасасида педагогик тарғибот-ташвиқот ишларининг ҳамда таълим муассасаси ҳужжатларини юритишнинг аҳволи каби қатор масалалар ички назоратдан четда қолмоқда. Айрим таълим муассасалари раҳбарларининг таълим муассасаси ишини бошқариш, жумладан, ички

назоратни ташкил қилиш ва уни амалга ошириш масаласига муносабати таълим – тарбиявий ишларни янада такомиллашувига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахлидинов Р.Ш. Система управления образовательным учреждением. -Ташкент: Укитувчи, 2002.

2. Миркасымов М.А. Работа по повышению квалификации и переквалификации педагогических работников. -Ташкент: Узбекистан, 1992.